



Фарғона ҳақиқати

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

<http://farhaqiqat.uz/>

2021 йил 8 март, душанба

№ 20 (24513)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам онахонлар! Ҳурматли опа-сингиллар! Мунис ва лобар қизларим!
Авалло, сиз азизларни, бутун юртимиз аёлларини 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбидан самимий муборакбод этаман.

Инсон ҳаёти ва жамият ривожига муқаддас Она зоти, мунис аёлларимизнинг беқиёс ўрнини оддий сўзлар билан ифода этиш ниҳоятда қийин вазифа.
Мана шундай қутлуғ айём кунларида сиз, азизларнинг шаънингизга мадҳиялар айтиш учун одам шояр бўлиб туғилмаганига афсусланиб қолади. Бу ёруғ дунёни қўйсиз, еру осмонсиз тасаввур этиб бўлмаганидек, ҳаётимизни ҳам мўтабар оналаримиз, меҳрибон аёлларимиздан айри ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас.

Сизлар биз учун аввало муқаддас она, азиз Ватан, оила тимсоли, битмас-туганмас меҳр, эзгулик ва куч-ғайрат манбаидирсиз. Бу азалий ҳақиқатни мураккаб пандемия шароитида аинқиса чуқур ҳис этмоқдамиз.

Сизлар – фидойи шифокорлар, меҳрибон ҳамширалар кўрсатган жасорат ва матонат туйғули минг-минглаб беморлар шифо топиб, ҳаёт кувончине яна ҳис этди.

Сизларнинг устоз сифатидаги фаолиятингиз эвазига миллионлаб фарзандларимиз таълим ва тарбиядан узолиб қолмади.

Сизларнинг барча соҳалардаги фидокорона меҳнатингиз ҳисобидан мамлакатимизнинг кудрати ва салоҳияти, халқаро обрў-эътибори тора ортиб бормоқда.

Бугун биз барча соҳаларда маррани жуда катта оялғимиз, қанча-қанча улкан дастурлар, режа ва лойиҳаларни амалга оширялғимиз. Улар биринчи навбатда оналаримиз, опа-сингилларимиз, азиз фарзандларимизнинг ҳаёт ва меҳнат шароитини яхшилашга қаратилган.

Фурсатдан фойдаланиб, барчамизга доимо тоғдек таянч бўлиб, мамлакатимизда амалга ошириладиган барча улкан ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиб келадиганинги учун сизларга, бутун Ўзбекистон хотин-қизларига чуқур миннатдорчилик билдираман.

Бугунги даврамизда иштирок этаётган дипломат аёллар – хорижий давлатларнинг ҳурматли элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам чин дилдан қўллаб, мамлакатимиз билан самарали ҳамкорлик қилиб келадиганлари учун уларга самимий ташаккуримни изҳор этаман.

Қадрли дўстлар!

Бугунги кунда азизу муқаррам аёлларимизнинг барча соҳа ва тармоқлардаги ўрни ва таъсири янада ортиб бормоқда. Бунинг тасдиғини республикамизда меҳнат билан банд аҳолининг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётганида ҳам аққол қўриш мумкин.

Аёлларимиз орасида таниқли давлат ва жамоат арбоблари, жумладан, ўнлаб сенатор ва депутатлар, вазир ва ҳокимлар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, академиклар, профессорлар, Ўзбекистон халқ шоирлари, Халқ ўқитувчилари, Халқ артистлари, нодавлат ташкилотларнинг фаол вакиллари борлиги барчамизни қувонтиради.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бошқарув тизимида аёлларнинг улуши 33 фоизга етди. Юртимиз бўйича бир ярим мингга яқин хотин-қизлар турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хусусан, ташкилотчи ва ташаббускор опа-сингилларимиз 6 та туманда ҳоким вазифасида, юзлаб ҳудудларимизда ўринбосар ва маслаҳатчи лавозимларида самарали фаолият кўрсатмоқда. Йиррик қорхоналар, банклар ва компаниялар, тадбиркорлик субъектларини бошқармоқда.

Ана шундай катта салоҳиятти янада ошириш, давлат ва жамият бошқарувида уларнинг иштирокини кучайтириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилди.

Бундай замонавий билим ва истеъдодга, етакчилик қобилиятига эга, эл-юртимиз учун фидойи хотин-қизларимиз – халқимиз, миллиатимизнинг олтин фонди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Азиз ва қадрли опа-сингиллар!
Сўнги йилларда хотин-

қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила институтини ҳар томонлама мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар олиб боришмоқда. Бу борадаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида энг кўп бўлган – маҳалла ва хонадонгача кириб борадиган вертикал тизим яратилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳабарингиз бор, 26 февраль куни бўлиб ўтган видеоселекторда ана шу тизим асосида амалга оширилган ишлар ва олдимизда турган режаларни атрофда муҳофизат қилган эдик. Ана шу муҳим вазифаларни амалга оширишда сиз, хурматли опа-сингилларимиз бундан бунён ҳам фаол иштирок этасизларди, деб ишонаман.

Кейинги вақтда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги раҳбарияти бошчилигида республика ишчи гуруҳи тузилиб, барча ҳудудларда аёлларни қийнаётган муаммолар аниқланди. Ушбу муаммолар бўйича маъруза иш олиб бориш учун мулоқо эли тизим – “аёллар дафтари” ни жорий этдик.

Кейинги 3 ойда республика комиссияси томонидан ушбу “дафтар”га киритилган 80 минг нафар хотин-қизнинг муаммолари ҳал этилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир аёлларнинг 32 минг нафари иш билан таъминланди. Инқирозга қарши кураш жамғармаси маблағлари ҳисобидан салкам 17 минг нафар хотин-қизга амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Биргина “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида 126 мингга яқин аёлларга имтиёзли кредитлар берилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун қарийб 215 минг оилага 6 триллион сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди. Қарийб 55 минг нафар хотин-қизлар тадбиркорлик ва касб-хунар марказлари томонидан ўқитилди, хунармандчилик ва касаначиликка жалб этилди.

“Беш муҳим ташаббус” доирасида чекка ҳудудларда тивувчилик цехлари ташкил этилиб, 10 минг нафар аёллар бандлиги таъминланди.

Уй-жой сотиб олиш учун 1 минг 250 нафар опа-сингилларимизга қарийб 22 миллиард сўмлик бошланғич бадаллар тўлаб берилди. Бундай хайрли ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилади. Мен бу борада кун кеча янги қарорни имзолади. Унга кўра, жамиятда аёлларимизга бўлган эътиборни энг кўп бўлган – маҳаллага етакчи, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини янги тизим яратилмоқда.

Бундан бунён Ўзбекистонда биронга ҳам аёл давлат ва жамиятнинг эътиборидан четда қолмайди.

Шунингдек, жорий йилда турмуш шароити оғир бўлган аёллар ҳамда ёлғиз онаси қарамонда ўсган қизларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида бюджетдан 210 миллиард сўм маблағ ажратилади. Бошланғич бўлмаган аёлларни ижара асосида “Ижтимоий уй-жойлар” билан таъминлаш учун яна 211 миллиард сўм йўналтиришимиз.

Бундан ташқари, боқувчисини йўқотган ҳамда ўзгалар парварishiга эҳтиёманд бўлган хотин-қизларга моддий ёрдам бериш ва малакали тиббий ёрдамга муҳтож аёлларни даволаш учун қўшимча равишда 110 миллиард сўм берилди.

Шу билан бирга, аёллар бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорлик соҳасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан қўшимча равишда 600 миллиард сўм ажратилади.

Яна бир муҳим масала. Кейинги пайтда униб-ўсиб келадиган фарзандларимиз тарбиясига, умуман, оила институтига салбий таъсир кўрсатадиган оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича самарали иш олиб боришмоқда. Бунга маҳалла фаоллари ва жамоатчиликнинг саъй-ҳаракатлари билан ажралиш ёқасига келиб қолган 23 мингга яқин оила яраштирилгани, ажримлар сони 3 мингдан зиёда қамайгани ҳам кўрсатиб турибди. Лекин бир аччиқ ҳақиқатни тан олишимиз керак: баъқарлар ҳамон юқори бўлиб қолмоқда.

Утган йили 28 мингдан зиёд оила ажралиб кетгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Албатта, барчамизнинг истиг-

миз, тилагимиз битта: қани эди, юртимизда ажрим деган ноҳуш ҳолатнинг ўзи бўлмаса, оилалар пароканда, болалар тирек етим бўлиб, сарсон-саргардон бўлмаса.

Мен бир фикрни қайта-қайта айтишдан чарчамайман.

Оила – бу меҳр ва бахт кўрғони. Оила бор экан, фарзанд деган бебахо неъмат бор, инсоний кадр-қиммат ва маънавият бор. Оилавий бахт бу – энг улғус саодатдир. Машҳур қўшиқлардан бирида айтилгандек, “Уйда бахти борлар – ҳар ерда бахтиёрдир”.

Мен азиз йигит-қизларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман: турмуш қуришга, оилага, фарзанд тақдирига ниҳоятда чуқур масъулият билан қаранг. Бу масалага юзак ёндашиб, ҳам ўзингиз, ҳам ўза бир инсон ҳаётини хавф остига қўймай.

Мен бу борада кўпни кўрган маҳалла фаоллари, муҳтарам фахрийларимиз, қайноналар, маънавиятимиз ва динимиз фидойилари, ўз тенгдошларига ибрат бўлиб келадиган ёшларимиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилдилар, деб ишонаман.

Муҳтарам юртдошлар!

Сизларга маълумки, ақинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ва тадбиркорлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттиришимизни таъкидладим.

Бу йилдаги муҳим қадамларимиздан бири сифатида шу йил юртимизда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларнинг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес форумини ўтказдим.

Бу борадаги ишларимизни жадаллаштириш учун “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси”ни қабул қилиб, уни амалга оширишга киришмоғимиз лозим.

Қизларимиз тарбияси, уларни мустакил ҳаётга тайёрлаш, замонавий билим ва хунарларини эгаллаши, иш жойига эга бўлиши, жамиятда муносиб ўрнини топишига алоҳида аҳамият беришимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда азиз ва мўтабар аёл зотини улуғлаш, опа-сингилларимизнинг давлат ва жамият ҳаётига тўтган ўрни ва нуфузини ошириш, ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, бой амалий тажрибаси билан оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига катта ҳисса қўшаётган хотин-қизларимизни муносиб қадрлаш мақсадида ҳамда юртимизда олиб бориладиган туб ислохотларда фаол қатнашиб, янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келадигани учун бир гуруҳ аёллар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

- «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**
Обиджонна Қаромат — меҳнат фахрийси, Фарғона вилояти.
Полнона Мархабо Расулжонна — Риштон туманидаги «Зар кулол Риштон» оилавий қорхонаси раҳбари, Фарғона вилояти.
- «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**
Каримова Мархабохон — меҳнат фахрийси, эркин ижодкор, шоира.
Мирзашева Насиба Муратовна — Фарғона шаҳридаги «Баҳодир Логон текстилл» қўшма қорхонаси тивув бўлими устаси, Фарғона вилояти.
- II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**
Тожиёва Тўққина Абдуқалиқова — Бағдод тумани халқ таълими бўлими мудирини, Фарғона вилояти.
- «КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ» МЕДАЛИ БИЛАН**
Каримова Шоирахон Собитжон қизи — «Зиё нашр» масъулияти чекланган жамиятининг Фарғона филиали иш бошқарувчиси, Фарғона вилояти.
- «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**
Назарова Шоирахон Аъзамовна — Марғилон шаҳар музыкали мақом театри артисти-созандаси, Фарғона вилояти.
- Рустамов Шахло Мухаммаджонна** — «Ўзбекистон Черто» давлат муассасаси хонандаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ.
(Фармоннинг Фарғона вилоятига тегишли қисми олинди).



Фарғонада Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди.

Куёш янглиғ порлагин, АЁЛ!

Аёлнинг гўзаллиги кашф этилади, деганида Маҳбубий қанчалар ҳақ эди. Аёлнинг нафақат ҳусни, балки истеъдоди ва иқтидори ҳам кашф этилишига муҳтож.
Фарғонадаги муҳташам “Файз” тантаналар мажмуасидаги Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам кечасида ана шундай кашф этилган нозик хилқат вакиллари жам бўлишди. Баҳордай нафис ва гўзал аёллар – вилоятимиз фахрига айланган педагог, олима, шифокор, тадбиркор, фермер, харбий, хунармандлар ва дилбар қизлар, бахтли опа-сингилларимиз баҳор рамзи – гуллар билан қутиб олиндилар.
Байрам тадбирини вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров очиб, тантанана йиғинларини ва Улар тимсолида

Фарғонанинг барча хотин-қизларини гўзал айём билан самимий қўллади. Вилоят раҳбари мамлакатимизда аёлларга эътибор, ғамхўрлик кўрсатиладиганини алоҳида таъкидлади. Ўз билим ва салоҳияти, ташаббускорлиги ва ғайрат-шижоати билан хотин-қизлар жамиятимиз ҳаётида фаол иштирок этиб, ҳар жаҳда катта ютуқларга эришаётгани, намуна бўладиганини эътифори эди. Хусусан, Ўзбекистон Қаҳрамони Лола Муродова, имкониёти чекланган бўлса-да, жамиятга наф келтираётган Мухаббат Юсупова ҳамда шу йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган 8 нафар аёл, Зулфия номидидаги Давлат мукофоти соҳибалари эҳтиром ила тўла олинди. Улар вилоят ҳокимининг Фахрий ёлғи ва қимматбахо совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, бундай эътиборга бир гуруҳ фаол хотин-қизлар – турли касб эгалари ҳам муносиб кўрилди.

— Юртимизда китобхонлиқ маданиятини юксалтириш, ёшлар ўртасида китобхонлиқни тарғиб қилишга катта аҳамият берилмоқда, — дейди “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирланган “Зиё нашр” МЧЖ Фарғона филиали иш юритувчиси Шоирахон Қаримовна. — Бу хайрли ишга оз бўлса ҳам ҳисса қўшаётганимдан ва мукофотга лойиқ кўрилганимдан хурсандман. Китобга ошно бўлган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЭЪТИБОРИ “САХОВАТ” УЙИНИ ХУРСАНДЧИЛИК БИЛАН ТЎЛДИРДИ

Фарғона шаҳридаги “Саховат” кексалар ва ноғиронлар уйида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни ҳамда яқинлашаётган Наврўз байрами муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда сўз олган Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров бу ерда яшовчиларни байрам билан табриклаб, давлатимиз раҳбари эътибори билан
жойлардаги “Саховат” ва “Мурувват” уйлари давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилаётганини маълум қилди.
— Очигини айтганда, биласизларми, биз раҳбаримиз, ҳамма нарсига эътибор берамиз деймиз-у, лекин, барибор кўп нарсани эътибордан четда қолдиришимиз табиий. Президентимиз Шавкат Миромонович жуда кўп давлат ишлари, ички ва ташқи сиёсатда жуда катта масалалар билан бандлар. Лекин, шулар орасида ҳаммамизнинг кўзимизни очиб, ҳаммамизга эста солиб, “қаранглар, мана шундай муассасалар бор, бу ерларда кўнгли ярим, озгина меҳр, озгина хурматга, озгина эътиборга муҳтож бўлган Ўзбекистоннинг фуқаролари бор”, деб мана бугун бизни ҳам бу ерга келишга мажбур қилдилар десам, тўғри бўлади, — деди вилоят раҳбари.
Байрам тадбири куй-қўшиқлар билан давом этди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Абдулхай Каримов ва хушоҳод хонандалар Отабек Мухаммадзоҳид ва Шоҳруҳ Мирзо Ганиевлар ижросида янграган қўшиқларга “Саховат” уйи яшовчиларининг рақслари ҳамоҳанг бўлди.
1953 йилда ташкил топган ва 1985 йилда хозирги бинога кўчирилган

“Саховат” кексалар ва ноғиронлар интернат-уйида бугунги кунда 102 нафар эркак ва 48 нафар аёл васийликка олинган бўлиб, улардан 18 нафари 1-гуруҳ, 17 нафари 2-гуруҳ ноғиронларидир.
Вилоят ҳокими томонидан бу ерда яшовчиларнинг ҳар бирига давлатимиз раҳбарининг совғалари топширилди, аёлларга гуллар тақдим этилди. Шунингдек, ҳар бир хонга телевизор ва музлаткич тўхфа қилинди.
“Саховат” уйида яшовчи ноғиронларга хонама-хона совға топшириш жараёни ҳиссиёт тўқинлари билан тўлди. Президентимизнинг ўзлариға бўлган эътибор ва меҳридан шодликка тўлган фуқаролар, “Бизни йўқлаган давлатимиз раҳбарини Аллоҳ йўқласин, умрлари узок бўлсин” деб дуога қўл очдилар.
27 ёшли ноғирон аёл Камолотхон Тўхтасинова эса ўзининг “Юртбошим” деган шеърини ўқиб, миннатдорчилик билдирди:
...Бошим узра порлар қўёшим, Сиз бор экан йўқ дилда дардим, Ҳечас меҳр берган дилдошим, Ҳар соҳада одил Юртбошим.
Хайрулло Бозоров “Саховат” уйи яшовчиларидан ўзларининг муаммо ва камчиликларини, истакларини ҳар ким алоҳида қозғога тўшириб беришини сўраб, Президентнинг қатъий қўрсатмасига биноан барчаси қисқа муддатда тўла ҳал этиб берилишини маълум қилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

"Аёллар дафтари" бўйича "маҳаллабай", "хонадонбай" ишлаш усули орқали ҳар бир маҳалла ва хонадон кесимида уларнинг муаммоларини ижобий ҳал этишимиз шарт. Барчангизга яхши аёни, жойларда янги-янги "IT-парк"лар ташкил этилди. Бу орқали меҳнат бозорига "ақли технологиялар", инновационлар асосида амалга оширилмаган янги хизмат турлари кўпайиб бормоқда.

Қадри ватандошлар! Ҳар йили ушбу қутлуғ сана арафасида ўқишда, ишда, жамоат ишларида, ўзининг истеъдод ва қобилиятини намоён этишда дастлабки ютуқларга эришган иқтидорли қизларимизни Зулфия номидаги давлат мукофотлари билан тақдирлаш мамлакатимизда эзгу бир анъанасига айланган бўлди.

муस्ताҳкамлаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги муносиб хизматлари учун ҳурматли аёлларимиздан катта бир гуруҳи юксак давлат мукофотларига сазовор бўлди. Келинлар, уларнинг барчасини самимий олқишлаб, чин дилдан табриқлайлик! Бугунги файзли, унутилмас кунда Сизлар билан бирга опа-сингилларимизнинг муносиб вақтларига ҳамда Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган қизларимизга ана шу фахрий унвон, орден ва медалларни топшириш мен учун катта фахр ва шарафдир.

Ҳаққини, минг хазина билан ҳам адо этиб бўлмайди. Биз яхши тушунамиз – хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган жамиятда албатта тинчлик, адолат, эркинлик ва фаровонлик бўлади. Аёл бахтли бўлса, оила ва жамият ҳам албатта бахтли бўлади. Барчамиз – Президентдан бошлаб энг қуйи бўғиндаги раҳбар ва мутасаддилар, ана шу муҳим мезонга амал қилиб илашшимиз зарур. Шундангина халқимиз ҳам, Яратган ҳам биздан рози бўлади. Азиз ва муҳтарам опа-сингиллар! Сизларни 8 март байрами билан яна бир бор чин қалбимдан қўлаб, барчангизга сўхат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман. Доимо яқинларингиз, фарзанд ва набираларингиз, эл-юртимиз ардоғида бўлиб юриш насиб этсин! Умингиз узоқ, бахтингиз зиёда бўлсин! Гўзал байрамингиз муборак бўлсин! Барчангизга катта раҳмат.

Куюш янглиғ порлагин, АЁЛ!

— Мени фахрий аёлларнинг назардан четда қолмагани қувонтирди, — дейди "Қалб нури" вилоят аёллари ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Дамира Тўхтасинова. — Гарчи улар аллақачон нафақада бўлсалар-да, ўз вақтида жамият раванқига қўшган хиссаси хануз эътироф этилиб, бундай байрам тантаналарига таклиф қилинмоқда. Бунинг учун маҳаллий ҳокимият вакилларига миннатдорчилик билдиришни истардим. Байрам кечасига санъат усталари, хонанда ва ёш ижроачиларнинг куй-қўшиқлари, рақслари ва шеърлар кўтаринки кайфият бағишлади.

Фарғоналик хотин-қизлар шарафига уюштирилган тантанали тадбир уларга хуш кайфият билан бирга ғайратига ғайрат қўшгани ҳам, шубҳасиз. Хайрулло Бозоровнинг вилоятимизда май ойда илк бор "Оналарга эҳтиром кунини" нишонлашни ҳақиқатда хушбарни байрам иштирокчилари гўлдурос қарсақлар билан кутиб олдилар. Бу эзгу ташаббус бутун республика бўйлаб ёйилса, нур устига аёло нур бўлар эди.

Ўз мухбиримиз. Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.

ФАРҒОНАДА ШУНДАЙ ҚИЗЛАРИМИЗ БОР ЭКАН-У...

■ Фарғона нафақат адрас-атласи, боғдорчилик, қулоччилиги билан, балки гўзал, ҳаёли ва илмли аёллари билан ҳам машҳур. Республикада ўз ўрни, мавқеи ва ҳурматига эга бир гуруҳ фарғоналик ижодкорларнинг ижод ва бахт тушунчаси, аёллардаги беназир фазилатлар хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.



Кутхон Маматова Марғилон шаҳрида таваллуд толган. Филология фанлари доктори, профессор. Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети "Матбуот назарияси ва амалиёти" кафедраси мудири. Илмий ва педагогик фаолият билан биргаликда у Журналистларни қайта тайёрлаш маркази, қатор халқаро ташкилотлар тренери сифатида фаолият юритиб, журналистикага қизиққан ёшлар, ОАВ вакиллари салоҳиятини ошириш борасида семинар-тренинглари ўтиб келмоқда. Ёқутхон Маматова 27 та журналистика соҳасидаги ўқув қўлланма, 2 та лугат, 1 та монография, 100 дан ортиқ илмий мақола ва илмий-услубий ишлар муаллифи. — Аёлларда ҳурматга лойиқ фазилатлар жуда кўп. Айни бугунги мураккаб, шиддатли, шу билан бирга қизикарли даврда аёлларнинг ўзига масъулиятни олишдан қўрқмаслиги мени қувонтиради. Заифлик маками уларнинг жисмоният имкониятларига нисбатан ишлатилса, тўғри. Аммо ақлий, интеллектуал имконияти кези келганда эркаклардан кам эмас, ҳатто устун ҳам. Аёлларнинг ўз ҳаётларини ўзлари режалаштиришлари, шахс сифатида ким эканликларини тезроқ англаб етишлари ва бу йўлда ғайрат қилишларини жуда-жуда хошлаб қоладим. Аслида ижод билан машғул инсон энг олий бахтнинг эгаси бўлади. Ижод қандай имкон беради инсонга? Борлиқдан мавҳумлик томон бориш, реал воқелик билан ўзининг идеал тасаввурларини яқинлаштириш имконини берадиган жараён, бу — ижод. Ижодкор шахс (агар у аёл бўлса, нур устига нур бўлади) Маслоу эҳтиёжлар пирамидасининг чўққисидидаги инсон. Ижод — ўша пирамиданинг чўққиси, инсон бахтининг олий даражасидир. Ижод аёл учун жуда ҳам зарур. У оилавий, аёллик бахти билан бирга иқтидоридан фойдаланганда, ижод билан шуғуллангандаги бахти ҳам ёнма-ён турса, у бу туйғунни тўлароқ ҳис этади, англайди.



Назира Тошпўлатова Бувайда туманида таваллуд толган. Филология фанлари доктори, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети доценти, "Дўстлик" ордени соҳибаси. "Атиргул", "Энг ташаббускор журналист аёл", "Йилнинг энг яхши педагоги" танловлари ғолиби. Педагог сифатидаги ҳаётини принциплар билан кизиққан ёшлар, ОАВ вакиллари салоҳиятини ошириш борасида семинар-тренинглари ўтиб келмоқда. — Аёллардаги меҳнатқашлик, интилувчанлик, сабр-бардошлилик ва меҳрибонликни қадрлайман. Аёллар озгина яхшиликка ҳам ўн баробар қилиб қайтаришга ҳаракат қилади. Шу билан бирга, уйдабурон, оиласини ҳам, ишини ҳам эплайдиган, айниқса, ўзини ҳар доим, ҳар томонлама назорат қила оладиган аёлларга ҳурматим банд. Ижод, бу — қалб қўри орқали ҳаёлдаги тинимсизлик (у нима бўлишидан қатъи назар) моддийлаштириш, яъни яратилди. У ҳар бир ижодкорда ўзига хос кечади. Биринчи иккинчисини тақдорламайди. Журналистик ижод ҳам шулар қаторида. Унинг ҳосиласи ҳақиқатга, эзгуликка хизмат қилиш, деб ҳисоблайман. Бахт масаласига келсак, унинг суратини ҳар ким ўз тасаввурда чизади. Бахтнинг ўлчами, миқдори бўлмайди. У гоҳида лаҳзаларда намоён бўлиб, инсонни ҳажжондан масрур этиши мумкин. Гоҳида йиллар бўйи куттиради. Ҳаётда қандайдир довонни ошиб ўтиш, нимагадир эришиш ким учундир бахтдир. Шу топда менга онамининг жони огримаслигининг ўзи бахт, юзидида маҳзунликнинг ўрнини табассум, кўтаринкилик эгаллаши бахт, тонгда инграмасдан ўйнониши бахт, ҳаётдан ҳали умидвор эканлиги бахт. Яна олисдаги ўғлимнинг телефон кўнжигидан овозини эшитиш, нафасини туйиш мен учун бахт. Ҳар лаҳзанинг омонатлиги, бундан бўёғига жон-жигарларининг арзима-



Жанияхон Асқарова Риштон туманида туғилган. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий ходими, филология фанлари бўйича фалсафа доктори. 2018 йили Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ва Республика Ёш олимлар кенгашининг "Республика ёш олимларининг инновацион лойиҳалари" грант танловида "Ижтимоий гуманитар фанлар" йўналишида ғолибликни қўлга киритган. — Аёлдаги самимийликни қадрлайман. Дили ва тили бир одамнинг йўлини Оллоҳнинг ўзи тўғрилайди. Ижод ва бахт эгиз тушунча. Ижод онлари оний бўлганлиги сабаб ўзининг беихтиёр бахтли сезасан. Бахтли бўлгангадир эса ижод қилгинг келади. Иккинсини бир-биридан айри тасаввур қилолмайман.



Чарос Нисомиддинова Риштон туманида туғилган. 2016 йили ЎзМУнинг журналистика факультетини таъмомлаган. "Маърифат" газетаси, "Жажжи академик" журнали тахририятида фаолият юритган. Ҳозирда "Академнаш" нашриёти муҳаррири. Луиза Мэй Олкоттнинг "Кичкина хонимлар" ва Сомерсет Моэмнинг "Инсон қуллиги" романларини таржима қилган. — Аёлдаги, умуман, инсонлардаги вафо ва ҳаё, хушхалоқлик ва ростгўйликни қадрлайман. Ўз ишини ҳалол, виждонан бажарганларни қаттиқ ҳурмат қиламан. Ижод — бошқалар дахл қилмайдиган, кириши тақиқланган олам. У ўзингники, фақат ўзингга тегишли. У ерга киришга ҳақли одам — Сен! Сенинг қондаларинг, тартибларининг бузишга бу оламда ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Яшасанг, шундай оламда яша! Ҳаётда сени тушунмайдиган инсоннинг борлиги эса бахт!



Савара АЛИЖОНОВА тийёрлади. "Енингдаги бахт", "Жо-

"НЕФТЧИ" ПФКНИНГ МАВСУМОЛДИ ТАҚДИМОТИ

ЖАМОА ЎЗ ОЛДИГА СУПЕРЛИГАГА ҚАЙТИШ ВАЗИФАСИНИ ҚЎЙДИ

Тақдимот маросимида иштирок этган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона вилоятида соғлом турмуш тарзини кенг тарбиё қилиш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмаётганини айтиб ўтди. Айниқса, профессионал футбол клубларини шакллантириш, мазкур спорт турини ҳақиқий миллионлар ўйинига айлантириш, иқтидорли ёш футболчиларни танлаш ва тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш муҳим вазифага айланганини таъкидлади. Жорий йилги миллий чемпионатнинг Суперлига ва Проллигасида "Қўқон-1912", "Турон", "Нефтичи", "Истиклол" жамоалари вилоят шарафини ҳимоя қилади. Вилоят ҳокимлиги, вилоят футбол федерацияси, ҳокимликлар, соҳага дахлдор бошқармалар томонидан профессионал футбол клубларининг ички ва халқаро мусобақаларда қатнашадиган учун регламент бўйича қандай қоида ва талаблар қўйилган бўлса, уларни жорий этиш, тааллуқли шароитларни яратиш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Вилоятда сифатли спорт заҳирасини шакллантириш бош мақсад қилиб қўйилган. Фарғонанинг «Нефтичи» жамоаси шонли тарихга эга. Мамлакат чемпионати ташкил этилган 1992 йилдаёқ Ўзбекистон чемпиони бўлди. Шундан сўнг яна тўрт марта чемпионликни қўлга киритди. Шунингдек, жамоа 9 қарра кумуш, бир марта бронза медаллари соҳиб бўлди, 2 марта Ўзбекистон кубогини эгаллади. МДХ, Осиё мамлакатлари чемпионлари кубоги мусобақаларида Ўзбекистон шарафини ишончли ҳимоя қилди. 1994 йилда асосан "Нефтичи" ўйинчиларидан таркиб топанг Осиё чемпионлари кубоги мусобақаларида Ўзбекистон шарафини ишончли ҳимоя қилди. 1994 йилда асосан "Нефтичи" ўйинчиларидан таркиб топанг Осиё чемпионлари кубоги мусобақаларида Ўзбекистон шарафини ишончли ҳимоя қилди. 1994 йилда асосан "Нефтичи" ўйинчиларидан таркиб топанг Осиё чемпионлари кубоги мусобақаларида Ўзбекистон шарафини ишончли ҳимоя қилди.




"Анджон"га имкониятини бой бергани аламли бўлди. Таъдбир "Нефтичи" бosh мураббийи Илҳомжон Мўминжонов сўзга чиқиб, эътибор ва яратилмаётган шароитлар учун вилоят ҳокимига, ҳомий ташкилотларга миннатдорчилик билдирди. Бу йил жамоада ўз олдига Суперлигага чиқиш вазифасини қатъий қўйганини, бунинг учун, аввало тартиб-интизомни муस्ताҳкамлаш ва жамоа таркибининг қучайтириш борасида мураббийлар штаби ташкилий чора-тадбирларни олиб бораётганини айтиб ўтди. — "Нефтичи" футбол клубининг моддий-техник базаси мавжуд, энди уни янада муस्ताҳкамлаш, замонавийлаштириш каби вазифалар олдимизда турибди. Энг асосийси, бу йил яна чиройли ўйинларимиз билан муҳлисларни қувонтирамиз, уларнинг ишончини оқлаймиз, — деди Илҳомжон Мўминжонов. Тақдимот маросимида "Нефтичи" ПФК мураббийлар штаби, мавсумда майдонга тушадиган футболчилар, шу жумладан, таркибга келиб қўшилган легионерлар, жамоа либоси ва «Нефтичи» ПФК янги логотипи билан таништирилди. Ўтган мавсумда "Нефтичи" жамоаси «Adidas» фирмаси рами тўширилган либосда ҳаракатланган эди, бу йил «Јако» фирмаси бренди остидаги либосда майдонга тушади. Рустан ОРИПОВ, Шерзод ҚОРАБОВ олган суратлар.

Футбол

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати арафасида "Нефтичи" клубининг мавсумолди тақдимоти ўтказилди. Фарғона шаҳридаги Ислам Каримов номидаги Театр ва концерт саройида ташкил этилган тадбирда вилоят футбол федерацияси мутасаддилари, клуб раҳбарлари, футболчилар, фан клуби аъзолари, муҳлислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва блогерлар қатнашди.

Бу олам гултожи, ҳаёт мазмуни – муҳтарам, муқаррам, муқадрас Аёл!



Орден муборак!

ТУПРОҚДАН МЎЪЖИЗА ЯРАТИВ

8 март – Халқаро хотин-қизлар кўни муносибати билан Президентимиз Фармонига қўра, «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланган риштонлик Мархабо Полванова тadbиркорликни яхши тушунида, ташаббус кўрсата олади. Узок йиллардан бўён шу соҳа «қозонида қайнаб», ишбилармонлиқнинг машаққати-ю кувончини бошидан ўтказмоқда.

Хунармандлар оиласида камолга етган Мархабо куллар сулоласининг ўн учинчи авлоди. Айтшларича, бобоси Сангин кулол яратган мактаб замоналар силсиласида тараққий этиб келмоқда. Болалигидан оддий тупроқдан мўъжиза яратиш, меҳнат ва сабр билан улғайди.

2016 йили «Зар кулол Риштон» оилави қорхонасига асос солиди. «Мискин» маҳалла фуқаролар йиғинида бир неча йил фаолият кўрсатиб қолган кулолчилик чеҳрини сотиб олди. Етти километр жойдан газ қувури тортиб келинди. Маҳалладаги 14 нафар уста кулол ишлаб чиқаришга жалб этилди, маҳсулот турлари кўпайди, сифати яхшиланди. Орадан бир йил ўтиб, қорхона маҳсулотлари, нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорларини топди. Қўшни Қирғизистонга 40 минг АҚШ долларлик маҳсулот сотилди. Ҳозир қорхонада 30 дан зиёд бадий қўлчиллик буюмлари ишлаб чиқаришмоқда.

Иш бошлаганида қийинчиликлар бўлди, — дейди Мархабо опа. — Лекин орта чекинмадик, маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, таннархини арзонлатиш йўлида изланишлар олиб бордик. Хусусан, кам газ сарф қиладиган, муқобил энергияларда ишловчи печлардан фойдаланишга эътибор қаратдик. Тошкент, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Бухоро вилоятларига маҳсулот етказиб беришни йўлга қўйдик.

У қорхона худудидаги бўш турган ерда давлат-хусусий шерикчилик асосида 100 ўринли «Гулгунча» болалар мактабгача таълим муассаси фаолиятини ташкил этди. Бу ерда «Марказ», «Мискин» маҳалла фуқаролар йиғинларида «Темир дафтар»га киритилган, иктымол химояга муҳтож оилаларнинг 30 нафар фарзандлари бепул тарбия олмақда.

Мархабо опа бу йил тикувчилик йўналишида ҳам ўз имкониятларини синая қўйишга қарор қилди. Шу мақсадда ишлаб чиқариш учун жой хозирлади. Вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси 9 та тикув машина ҳада қилди. Бу ерда 20 нафар хотин-қизлар «Уста-шоғирд» анъаналари асосида хунар ўрганишмоқда.

У нафақат тadbиркор, «Мискин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатади. 2 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайдиган маҳаллада бандликни таъминлаш, иктымол химояга муҳтож оилаларга «маҳаллабай», «хонадонбай» асосида моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Шу кунга қадар «Темир дафтар»га киритилган 32 нафар фуқаронинг аксарияти иш билан таъминланди, иссиқхона қуриб берилди, банк сарможалари ажратилди.

Расулжон КАМЛОВ.

Ёдидан кўтарилган кун

Оиласида ногиронлиги бор болаларни парвариш қилаётган оналар кўп. Халқимиз болажон, фарзандида касаллик ёки нуқсон бўлишдан қатъи назар, уни бағрига босади. Бутун борлигини беради. Ўз кувончидан кечади. Шунинг учун ҳам уни мўътабар она дея эъзозлаймиш. Ёзёвон тумани «Аҳиллик» кўчаси, 7-уйда яшовчи Турдиixon Абдуллоев ва ана шундай аёллардан.

Турмуш ўртоғимни йўқотганимга 11 йил бўлди. Бу давр ичида бошимга не-не савдолар тўшмади. 4 нафар қизим бор. Улардан иккитаси иккинчи гуруҳ ногирони. Учасини узатдим. Кенжа қизимнинг соғлиги бир оз огир бўлгани учун унга гамхўрлик қилганим. Бу қизимни ёлғиз қолдириб кета олмадим. Чунки туҳтаногои тутиб, мазаси қочиб қолади. Бир кун шифо топишдан умид қилиб яшяпман. Ногирон қизим билан рўзгор тебратиш осонмас. Баъзида уни қўриб, қўлимдан

ҳеч нарса келмаслигидан афсусланаман. Биз учун аёллар байрами унут бўлганди. Раҳматли дадаси турикчилига бизни қўлга, кўнглимизни кўтарарди. Бу сафар туман ҳокимлиги томонидан вақиллар келиб, байрам билан қўллашди. Қизимнинг кўзидеги қувончини қўриб, янада севиндим. Бизга ҳам эътибор бераётган инсонлардан миннатдоримиз, — дейди у.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ташаббуси билан уларнинг қалбига байрамона руҳ кирди. Хусусан, Ёзёвон туманида «Аёллар дафтари» даги 1335 нафар аёллар учун турли хил маданий-маърифий тadbирлар ташкил этилиб, чунда кўнгли кемтик аёллар маданий хордик чиқаришмоқда.

Ўз мухбиримиз.



ТАНИШИНГ:
Ёшлар парламенти
қўқонлик аъзоси
ФАҚАТ ОЛФА ИНТИЛАМАН

— Уйимизда бобомдан қолган фортепиано бор. Уни болалигимдан чалишга қизиқардим. Бошқа қизларга ўхшаб кўнғирчоқ ўйнаш ўрнига, нуқул ўша семимли буюмим ёнидан кетмасдим. Шу сабабми, муסיқага меҳрим ўзгача. Бу иштиёқ мени муסיқа мактабига, сўнг эса олийгоҳ томон етаклади. Келажакдан умидларим катта, — дейди Қўқон давлат педагогика институтининг магистранти Зиёдаҳон Абдурахимова.

Зиёдаҳон 1997 йилда Учқўприк тумани, Қатагон қишлоғида туғилган. Унинг ота-онаси муסיқа фанидан дарс беришди. Икки сингил ва укаси ҳам шу соҳага қизиқишди. Санъатни севувчи калбдан ёмонлик чиқмайди.

Уқий йилларидаёқ ўзидеги иктидорини намоён этди. 2016 йили Қозғистон Республикасининг Астана шаҳрида «Евро-Осиё юлдузлари» лойиҳаси доирасида ўтказилган II халқаро «Феория», Қозғон шаҳрида «Салют талантов» лойиҳаси доирасида ўтказилган XII Халқаро «Сияни култур» номли фестивалда гран-при ҳамда олий даражада диплом билан тақдирланди.

У билими, ақл-заковати ва етакчилиги қобилияти билан тенгқурлари орасида ажралиб туради. 2020 йили Самарқанд вилоятида «Ноҳилик ва лидерлик» танловида жамоасининг биринчи ўринни эгаллаши учун муносиб хиссасини қўшди. Утган йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнувчилик палатаси хузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси этиб сайланди. 2020 йили Франция ва Россияда ўтказилган Laureate II PRIX танловида ҳам катнашиб, Ўзбек қизларининг маҳоратини намоён этди ва муносиб тақдирланди. Зиёдаҳон Россия, Польша, Болгария ва бошқа давлатларда чоп этилган журналларда илмий мақолалар билан иштирок этиб келяпти. Бугунги кунда Учқўприк тумани 20-болалар муסיқа ва санъат мактабида ўқувчиларга фортепиано чалиш сирларини ўргатади. Санъат, илмий иш ва ёшлар муаммоларини ўрганиши бир пайтнинг ўзида давом эттираётган қаҳрамонимиз бошқа тенгқурларига ўрناк бўла олади.

Шоҳсанам ЭШМАТОВА.

“ОДАМЛАРГА КЕРАКЛИ БЎЛИШ – БАХТ”

Одамларга ёрдам қўлини чўзиш, уларнинг қорига яраш ҳамма одамларда улугланган. Бироқ ана шу кўмакда соғлик, жон талаби соя солиб турган бўлса-чи? Ўз саломатлиги, керак бўлса, умри эвазига ўзгаларни асраб қўлишга ҳамма ҳам жўрғат этайвермайди...

Болалигиданоқ оқ халат кийишни орзу қилган Умидаҳон Ғофурова 1995 йили Андижон давлат тиббиёт институтини педиатрия факультетини муваффақиятли тамомлади. Вилоят юқумли касалликлар шифонасида инфекционист шифокор вазифасида ишлади. 26 йиллик фаолияти давомида меҳнатсеварлиги, жонқуярлиги, меҳрибон ва ширинсузлиги билан хўрмат-эътибор қозонди: I даражадаги «Саломатлик» ордени соҳиб бўлди. Пандемия муносибати билан 2-сонли вилоят юқумли касалликлар шифонаси ташкил этилганда, шу муассасага ишга жўнаштиди. — Касбимни жуда севаман. Беморларнинг соғайиб, уйига қайтаётгандаги самимий миннатдорчилиги барча ташвишу машаққатларини эсдан чиқаради, — дейди Умидаҳон Ғофурова. — Қарда қандай ишда бўлмасин, одамларга керакли эканлигини сезиш — олий бахт.

Дунёдаги барча тиббиётчилар учун ўзига хос синов бўлган «Covid-19»нинг юртимизга ҳам кириб келганига бир йил бўлмоқда. Вилоят юқумли касалликлар шифонасида коронавирус билан касалланган илк бемор ётқизиляиб, даволаш ишлари бошланган кунданок Умидаҳон Ғофурова биринчилардан бўлиб беморларни даволашга киришди. Нотаниш вирусга қарши курашиш осон кечмади, албатта. — Дастлаб 14 кунлик тартибда ишладик.

Пандемия авж олган вақтларда 14-20 соатлаб қолиб кетардик. Ҳамкасбларим билан елка-елка туриб инфекция билан курашдик. Халқимизнинг бирдамлиги, ички ишлар ходимлари, ўқитувчилар, савдо ва бошқа соҳа ходимларининг фидокорона меҳнати тўғрисида балони энгиб ўтишга эришдик. Шукруки, бугун бироз бўлса-да, энгил нафас олмақдамиз. Ҳар бир бемор хузурига кирганда аллақандай ажабтовур туйғу чўлгаб олади қийини. Агар унинг аҳоли яхши томонга ўзгара, қувончининг чеки йўқ, худо кўрсатмасин-у, салбий жихатлар юз кўрсатса, дунёга сийғмай қолсан, — дейди у. Камтар, камсўқум бу аёлнинг жасурлиги, дунёқараш кенглиги, кўп мутолаа қилиши сезилиб туради. Бугунги кун аёллари, инсон бахти ва соғлиги ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик. — Инсон умри бебаҳо, бу ҳаётда муносиб яшаб ўтиш, бошқаларга эзгулик улашишга интиланган маъқул, — дейди шифокор. — Соғлик ҳам Яратганнинг инъоми. Уни асраб-авайлаш, соғлом турмуш тарзига риоя этиш зарур. Аёллар — дунёнинг гўзаллиги, меҳр булоғи, оила қирғи. Улар гўзалликка ҳавасманд, меҳрга ташна бўлишди. Оиладаги ўрни эса бекийс. Байрам баҳонисида барча хотин-қизларимизга соғлик, бахт тилаймиз. Юртимиз келажаги эгаларини тарбиялаб, вояга етказувчи муҳтарам оналаримиз, оиласини гўлларимизни чин қалбдан табриқлайман. **Ҳаётжон БОЙБОБОВ.**

сезилиб туради. Бугунги кун аёллари, инсон бахти ва соғлиги ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ташаббуси билан уларнинг қалбига байрамона руҳ кирди.

У билими, ақл-заковати ва етакчилиги қобилияти билан тенгқурлари орасида ажралиб туради.



Отам Ҳамдамхўжа Зокиров болалигимда мени «олима қизим» деб эрқаларди, — дейди Фарғона давлат университети тупроқшунослик кафедраси профессорси Саноатхон Зокирова. — Унинг бу эрқалашлари остида қизим олима сифатида қўриш нияти борлигини юқори синфларда ўқийётган пайтгимда англадим. Тошкент кишлоқ хўжалик институтини тахсил олган йиллари танлаган йўналиши — агрокимё-тупроқшунослик соҳаси бўйича илмий изланишлар олиб борди. Уқийшни тамомлагач, уни институтнинг Фарғона филиалига ишга юборишди.

ИЗЛАНИШДАН ТЎХТАМАГАН ОЛИМА агро-тупроқшунослик ва агрофизика мутахассислиги бўйича мамлакатимиздаги биринчи аёл фан доктори

Ёш мутахассис филиалда илмий-педагогик фаолиятини бошлаган экан, профессор-ўқитувчилардан маҳлақат, йўл-йўриқ олди. Уларнинг кўрсатмалари асосида дарсларга янгича ёндаши, амалий машғулотларни лаборатория ва дала шароитида ўтказди. Ана шундай кўнларнинг бирида филиалга академик Қ.Мирзажонов ташриф буюрди. У профессор-ўқитувчилар билан суҳбатлашар экан, Саноатхонни саволга тутди: — Қайси мавзуда илмий изланишлар олиб борпасиз? Саноатхон тўғриси айтди: — Ҳали мавзу танламадим... — Тош-шағали, қумлоқ ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш долзарб масала. Шу мавзуда тadbиркорлик олиб борсангиз, яхши бўлади, — деди у. Саноатхон 40 йилдан бўён тупроқнинг агрохимий, агрофизикавий, сув-физик ҳоссаларини яхшилаш бўйича тadbиркорлик олиб бормоқда. «Тош-шағали тупроқларида турли нав гўзалларнинг сўғориш тартиботи» мавзусида номзодлик (1987 йил), «Марказий Фарғона қумларининг агрофизикавий, агрохимий ҳоссалари, генезиси ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг илмий асослари» мавзусида

докторлик (2017 йил) диссертацияларини химоя қилди. — Илм йўли кишини билимли, ишчан, сабр-бардошли бўлиши лозим, — дейди С.Зокированин докторлик ишига маҳлақатчи бўлган кишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Ф.Юлдашев. — Саноатхонда ана шу фаиллатлар мужжасам. У изланишдан тўхтамгани тўғрисида агро-тупроқшунослик ва агрофизика мутахассислиги бўйича мамлакатимиздаги биринчи аёл фан доктори сифатда танилди. Тadbиркорлик Марказий Фарғона чўлидаги «Еркиной Қосинова» фермер хўжалиги ерларида ички йўналишда олиб борилди. Биринчи йўналишда

қум ерлар ариқ ва зовурлардан чиқарилган тупроқ билан бойитилди. Иккинчисида майдонларга сўли экилиб, унинг илдизи ва пояси (10-15 сантиметр қолдириб ўрилади) дан ернинг ҳолатини яхшилашда фойдаланилди. Тажриба ўтказилган майдонларда пахта ҳосилдорлиги 9-10 центнерга ортди. — Саноатхон жуда фаол, — дейди биология фанлари номзоди, доцент В. Қаримов. — У илмий тadbиркорлик олиб бораётган олимлар, иктидорли талабалардан ўз ёрдамчини аямайди. Республика олий ўқув юртлари изланувчилари билан

хамкорликни таъминлаб, турли шаклдаги илмий урчушулар, анжуманлар ташкил этишга ҳаракат қиладди. Утган йилларда «Йилнинг энг яхши олима аёли», «Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги», «Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси» республика танловларида катнашиб, фолибар сафидан ўрин олди. «Мўътабар аёл» кўкрак нишон билан тақдирланди. Олима ибратли оиланинг бекаси. Турмуш ўртоғи Бахтиёр ака билан 3 нафар ўғилни тарбиялаб, вояга етказди. **Аскаралӣ ТУРСУНОВ.** Шерзод ҚОРАБОВ олан суратлар.

Назм

ФАРҒОНАНИНГ АЁЛИ

Зухра АЛИЕВА



Орзулари оппоқ тонгда беланчакка бойланган,
Туйғулари нур мисоли чаноқларга жойланган,
Тупроқларга сочган меҳри мўъжизага айланган,
Бу дунёнинг ёлғонлари бузолмагай хаёлин,
Орияти осмонча бор Фарғонанинг аёлин.

Қалби унинг гул япроғи, вале тоғдир бардоши,
Алласидан парчалангай вужудларнинг зил тоши,
Юракларга оташ солар бир нигоҳи қуёшдир,
Нозик дилли, олов феълли, садоқатли, вафоли,
Ул Қуёшнинг синглисидир Фарғонанинг аёли.

Юракларни бир софликка, садоқатга етаклар,
Фарзандига жасурликдан сўйлаб берар эртақлар,
Шул боис ҳам мард, вафодор, бир гаплдир эркақлар,
Севгисига паноҳ бўлар кўнглидай оқ рўмоли,
Муҳаббати оловча бор Фарғонанинг аёлин.

Кўшиқ айтса, қўшиқлари яшар мангу Сиз билан,
Байт ўқиса, дардингизни олар ўтли сўз билан,
Гар севсангиз, дилдан севинг, зинҳор севманг кўз билан,
Муҳаббатга муносибдир, фариштали, хаёли,
Муҳаббати офтобча бор Фарғонанинг аёли.

Пахтазорда кўринг уни, қадди минг бор эгилар,
Юрак кўри хар лаҳзада чаноқларга тўкилар,
Уйим, болам, рўзгор, дейди, ҳаммасига улгурар,
“Хўп” дейди-ю йўқдир унинг “Нега?” деган саволи,
Садоқатнинг тимсоли бу – Фарғонанинг аёли.

Бу аёлга меҳр беринг, ганжу тилло керакмас,
Бир сўз билан бой бўлар у зару зўрлар енголмас,
Фақат унга чин сўзни денг, ёлғонларга чидолмас,
Кўрсатмасин кўз ёшларин, қайноқ меҳр заволин,
Кўз ёшлари уммонча бор Фарғонанинг аёлин.

Сиз аёлнинг кўз ёшларин артиб кўйинг, мард эркақ,
Рўзгорингиз бут қилди у, фарзанд берди бир этак,
Хар тонг унга бир илиқ сўз, байрамда бир гул керак,
Меҳрингиздан меҳр унар, кунлар ўтар сафоли,
Қунда қулса, яйраб юрса Фарғонанинг аёли.

Аёл гулдир, аёл хурдир, аёл ёрдир қаламқош,
Олис йўлга тушдингизми, феълларига беринг дош,
Ўзга гулни орзу қилманг, ундан яхши йўқ сирдош,
Зухро айтар юракдаги орзуларин, хаёлин,
Бир Оллоҳга сажда қилар ўзбегимнинг аёли.

ШАҲРИМИЗНИ ГУЛГА БУРҚАЁТГАНЛАР

Кўпчилигимиз ҳали уйғонмаган бир пайтда улар аллақачон ўз ишларини бошлаб юборишган бўлади. Об-ҳаво қандайлигидан, иш ёки байрам кунидан қатъи назар, қиладиган иши тайин. Улар – шаҳар орасталлигига масъул.

Фарғона шаҳар ободонлаштириш бошқармасида 1300 нафарга яқин ходимлар меҳнат қилса, уларнинг 950 нафарини аёллар ташкил қилади. Йил бошдан буён 172 минг туп турли манзарали дарахт, гул кўчатлари экилиб, вилоят бош кенти кўркам ҳолатга келтирилди.

– Саккиз йилдан буён шу қасбда ишлайман, – дейди Ханифахон Турсунова. – Баъзилар бу ишдан уялиши мумкин, лекин мен фахрланаман. Чунки шаҳримиз ободлиги, саранжом-саришталигига ўз хиссамни қўшаётганим менга гурур бағишлаб туради. Гоҳида йўл бўйларига экилган кўчатларнинг синдирилиши, гулларнинг пайхон қилиниши, махсус жой бўлса-да, дуч келган жойга чиқинди ташлаш кўнглига оғир ботади.

– Ишга кирганимга 23 йил бўлди, шукур, фарзандларни тарбиялаб вояга етказдик. Қандай касб ёки ҳунар бўлишидан қатъи назар, халққа, юртга фойдаси тегиши муҳим, – дейди Халимахон Сафаралиева.



– Ҳозир ободонлаштириш ходимларига нисбатан эътибор ўзгарган. Кўча, йўл бўйларида ишлаб турганимизда кўпчилик “Хорманглар”, “Соғ бўлинглар”, “Яшанглар” деб ўтади. Шу бир оғиз гап кишига руҳ бағишлайди.

Кўчалар, хиёбонларнинг озодлиги, саранжом-саришталиги, йўл бўйларига экил-

ган гулу райхонлар шаҳар ҳуснига хусн қўшади, қалбларга илиқлик, хуш кайфият бағишлайди. Бунинг ортида Фарғонамизга орасталлик бағишлаган оғиллар, оғилларнинг синглининг ҳалол меҳнати, юртга меҳри, қасбига садоқати бор.

Хаётжон БОЙБОБОВ.
Шерзод ҚОРАБОВ олган сурат.

ЭЪЛОНЛАР «ФАРҒОНАДОНМАХСУЛОТЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

акциядорларини 2021 йил 29 март куни соат 10:00 да бўлиб ўтадиган навбатдаги умумий йиғилишга таклиф этади

- МАНЗИЛ:** Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси, 93-уй.
Йиғилиш кун тартиби:
1. Жамият бошқаруви 2020 йил якуни бўйича жамият молия-ҳўжалиги фаолияти юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.
 2. Жамият ижро органи аъзоларининг 2020 йилдаги йиғилишлари баёнлари ва қарорларини тасдиқлаш.
 3. Бошқарув раиси ва ижро органи аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш.
 4. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
 5. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти бўйича тафтиш комиссияси ва ички аудит ҳисоботини тасдиқлаш.
 6. Жамият кузатув кенгашининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
 7. 2020 йил якуни бўйича ташқи аудитор ҳулосасини тасдиқлаш.

8. 2021 йил учун жамият аудиторини ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини тасдиқлаш.
9. Жамият кузатув кенгаш таркибини қайта сайлаш.
10. Жамият тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.
11. 2020 йил якуни бўйича соф фойдани тақсимлаш.
12. Жамият бошқаруви раисининг 2021 йил учун бизнес-режасини, жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда, жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш.
13. 2021 йил учун харажатлар сметасини тасдиқлаш.
14. Жамиятнинг корпоратив бошқарув кодекси талабларига мувофиқ, 2020 йил якуни юзасидан мустақил ташқилот томонидан ўтказилган корпоратив баҳолаш бўйича ҳулосани тасдиқлаш.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ4426-сонли қарори талабларига мувофиқ, бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари ҳисоботини кўриб чиқиш.
16. Жамиятда харидлар жараёни шаффофлигининг асослиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда, импорт харидларини, шунингдек, валюта ресурсларидан самарали фойдаланиш тўғрисидаги ташқи аудит ҳулосасини кўриб чиқиш.
17. Давлат рўйхатидан чиқарилиб, фаолияти тўхтатилган юридик шахсларнинг кўп йиллардан буён ундирилмасдан келаётган умидсиз, мuddати ўтган дебитор қарздорликларини юридик шахс тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ҳужжатларга асосан жамият балансида чиқариш.
18. Жамият балансида улуши бўлган ноён, макарон, қандолат ишлаб чиқариш ва транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналардан ташқари барча турдаги корхоналар ҳамда буш турган бино-иншоотларни қонунчиликда белгиланган тартибда сотиш.

Фарғона шаҳар педагогика коллежини 2020 йилда тамомлаган Абдурахмонов Акрамжон Олимжон ўғли номига берилган К 5932446 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Риштон тумани 27-ўрта таълим мактабини 2015 йилда тамомлаган Узоқова Юлдузхон Муминджонова номига берилган U 4490950 рақамли дубликат шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

<p>МУАССИС: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ</p>	<p>Бош муҳаррир: Муҳаммаджон ОБИДОВ</p>	<p>Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.</p>	<p>Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмаҳонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй.</p>	<p>Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.</p>
<p>Газета сеианба ва жума кунлари чиқади.</p>		<p>Баҳоси келишилган нархда.</p>		<p>Навбатчи муҳаррир Ботир Мадиев.</p>
<p>Газета сифати учун босмаҳона масъул.</p>				

БАҲОР ИЧРА...

ДИЛБАР ҲАЙДАРОВА (ДИЛБАР БОНУ)



1952 йили Наманган вилояти, Учқўрғон туманида таваллуд топган. 1977 йил НамДуни, 1982 йил Москвадаги Максим Горький номи жаҳон адабиёти институтини битирган. 1983 йилдан 1995 йилгача Ўзбекистон телевидениесида муҳаррир бўлиб ишлаган. 1996 йилдан Намангандаги “Мураббий” номи ўқитувчилар газетасида муҳаррир. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. “Норин мавжлари”, “Кўклар қизи”, “Ишқ сўқмоғи”, “Гуллар нафаси”, “Наманганские яблоки”, “Ватан сўзи”, “Кўнгли боғи”, “Дилсиз тоним”, “Настарин”, “Гул фасли”, “Сайланма”, “Онажон”, “Чимилдик”, “Зарфшон фожиаси”, “Тоғ йўли” сингари китоблари чоп этилган. Шейр ва хикоялари турли тилларга таржима қилинган.

ДАРЁЖОН

Ғамнинг бозорида юриб чарчадим,
Ўзимни ўтларга уриб чарчадим,
Яхши-ёмонларни кўриб чарчадим,
Юзингга юзимни кўяй, дарёжон,
Соғиндим, меҳрингга тўяй, дарёжон.
Гул давримга етдим қишлардан ўтиб,
Хажр водийсида аламлилар ютиб.
Кошингга эгилдим борим унутиб,
Юзимни юзингга кўяй, дарёжон,
Соғиндим меҳрингга тўяй, дарёжон.
Ичимда йиғлайман, ташимда сирман,
Шошма дарё, мен ҳам сенга асирман,
Мингга булбулингга ўзим татирман,
Юзимни юзингга кўяй, дарёжон,
Соғиндим, меҳрингга тўяй, дарёжон.
Куйдим, ёндим, оташ бўлдим,
Ўт бўлдим,
Соҳилингга сабза урдим, ўт бўлдим,
Охир бориб тўрт томонга ўт бўлдим,
Юзимни юзингга босай, дарёжон,
Кўз ёшим бағрингга тўкай, дарёжон.
Осмонда ой ғувоҳ, ерда сен ғувоҳ,
Худо битга бўлса сен ҳам бирсан оҳ,
Асли девонаман, кўнгли эса шоҳ,
Юзингни юзимга кўйгил, дарёжон,
Оқизиб, оқизиб суйгил, дарёжон...

Видо

Офат йилим, азобли йилим,
Кун санадик, соат санадик.
Минг бўлака бўлинди дилим,
Минг хил синов, ғамга ярадик.
Бемор йилим, сазойи йилим,
Асрларга татиди лаҳза.
Баҳор ичра суймадим гулим,
Епиқ бўлди хатто дераза.
Битта-битта кетавердилар,
Хижрон дардин кўтара олмай...
Эшик орти хижрон дедилар,
Ичқарида йиғладик, найлай...
Соғинч бизни
бйрлаштирган чок,
Хатлар ёздик, телефонлашдик.
Дунё шундай нафис,
бир кучок,
Хайр дедик, гоҳ видолашдик.
Космос асрин шу экан ҳоли,
Осмон эмас, ерли бўлайлик.
Борлигимиз эмас малолли,
Ўлсак ҳам шу ерда ўлайлик.
Умр тиланг, деб келар садо,
Йиғиштиринг машваратларни.
Юз йил яшанг, майли мабодо,
Сал унутинг, айш-ишратларни.
Рақамлари чиройли йилга,
Тикка турдим айтиб хайру хўш.
Келақол деб шу Янги йилга,
Замин бағрин очди ялангтўш.
Хайр, дейман кўларимда тош,
Хайр, дейман юрагим зада.
Хайр, дейман кўларимда ёш,
Хайр, дейман, дардим зиёда.
Офат йилим, азобли йилим,
Юпун бўлдик, сенда таландик.
Дунё бўлди тилим ва тилим,
Шу тоб кет, деб сенга эландик.
Хайр сенга, яна алвидо,
Дунё узра из тизиб кетдинг.
Яқинлардан қилганча жудо,
Ақлимизни киргизиб кетдинг.

ВАТАН ЯХШИДИР

Оғзингни тўлдириб ватан дегани,
Яхши-ёмонингга бир тан дегани,
Тупроғи бир қуни қафан дегани,
Ватан яхшидир.
Юртим деб йиғлаган мусофирларга,
Дарёда чўкмаган у Тоҳирларга,
Кўнгли яримларга, ярим пирларга,
Ватан яхшидир.
Ватансиз инсон йўқ, бойсан,
носирсан,
Дилда ғаминг билан қайга
шошурсан,
Дунё камларидан
олатасирсан,
Ватан яхшидир.
Дунёни кезсанг-да,
осмонда, ерда,
Фаришта елкангда,
шайтон ёнингда,
Ғам-алам босганда,
ўтса жонингдан,
Ватан яхшидир.
Дунёда ашамоқ, бир кун ўлмоққа,
Баҳорда очилиб, қузда сўлмоққа,
Қувончинг-ғамингни бир кун
тўкмоққа,
Ватан яхшидир.
Ёлғончи дунёнинг ёлғонларидан,
Бугдодий тўкилган сомонларидан,
Қочгани дунёнинг ёмонларидан,
Ватан яхшидир.
Умрни ашамоқ бир лаҳза холос,
Қолгани азобдир, азиятга хос,
Дунёни унутиб қўйгани ихлос,
Ватан яхшидир!

